



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 11 март, № 52 (7554) Чоршанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингизга орқали сканер қилинг.

## ЛОЙИХАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 март куни мамлакатимизда қатор соҳаларда амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.



Замонавий ахборот технологиялари тараққиётнинг муҳим шартларидан бири. Рақамли технологиялар давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодий соҳада одамларга катта қулайликлар яратди, маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортқича харажатларни камайтиради, коррупциянинг олдини олади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этиш энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Илм, маърифат ва рақамли иқтисоднинг ривожлантириши йили бўйича қабул қилинган Давлат дастурида жорий йилда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Жаҳондаги тенденцияларга эътибор қаратсак, дунё ялли маҳсулотининг 15,5 фоизгача улушини рақамли иқтисодиёт ташкил этмоқда. Сўнгги 15 йилда рақамли иқтисодиёт глобал ялли маҳсулотга нисбатан 2,5 баробар тез ошган.

Мамлакатимизда ялли ички маҳсулот ҳажмини икки баробар ошириш мақсад қилинган. Бунга эришишда рақамли иқтисодиёт механизмларидан кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда дунёда "рақамли шарҳ" концепцияси амаллашмоқда. Шу таъридан келиб чиқиб, "рақамли Тошкент" тизимини жорий этиш, уни икки йил давомида синовдан ўтказиб, бошқа ҳудудларга эса тайёр дастурий таъминотларни етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Тақдимот давомида рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди.

"Тиббиёт муассасалари паспорти", "UzTrans", туристлар ҳисобини юритиш бўйича "E-Mehmon" ва бошқа ахборот тизимлари

юртимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларига катта қулайлик яратди.

Президентимиз жорий йилда болалар босчаси, масофавий таълим, шаҳар жамоат транспорти учун ягона электрон чипта, қурилиш нazorat қилиш, электрон тиббиёт картаси каби ялли дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича топшириқлар берди. Масалан, электрон тиббиёт картаси жорий этилса, шифокорларнинг қозғоқ тўлдиршига кетадиган вақти анча қисқариб, аҳоли билан ишлаши учун кўпроқ имконият бўлади.

Шу мақсадда Тошкент шаҳридаги 15 та иқтисодлаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, 11 та кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда 62 та поликлиника "Ягона электрон тиббиёт карта" ва "Электрон поликлиника" ахборот тизимига улашиб, хусусий клиникалар билан интеграция қилинади. Бундай тизим бошқа соҳа ва тармоқларда ҳам татбиқ этилади.

Дастурий маҳсулотлар улускизи ва самарали ишлаши учун инфратузилма зарурилиги қайд этилар экан, барча давлат муассасаларини юқори тезликда маълумот узатиш тармоғига улаш, замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида рақамли кўникмаларни такомиллаштириш, "Бир миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 600 дан ортқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги интернетга уланган. Аммо ушбу йўналишда қўлинанган ишлар ҳали ҳам етарли эмаслиги қайд этилди.

Телекоммуникация инфратузилмаси "рақамли шаҳар" концепциясининг асоси экан

лини ҳисобга олиб, икки йил мобайнида 1,5 мингдан зиёд иқтисодий объектларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳар ҳокимлиги таркибиде таълим, тиббиёт, уй-жой коммунал, транспорт, қурилиш, кадастр ва бошқа йўналишлар бўйича алоҳида лойиҳа офислари ташкил этиш зарурилигига эътибор қаратди. Бундай тузилмаларда дастурчилар ҳар бир соҳа мутахассислари билан бирга ишларни жадаллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очкиклиги ва шаффофлигини таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий объектлар қурилишига доир тақдимотлар билан ҳам танишди.

Президентимизнинг 2019 йил 20 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси "Узархив" агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида Миллий архив биноси қурилиши учун ишлаб чиқилган ялли лойиҳа шулардан бири.

Миллий архив фонди ўзининг қўлими, ҳажми, ноёблиги жиҳатидан минтақамизда етакчилардан. Ҳозир бу ерда турли даврга

оид 1 миллион 800 минг саклов бирлигидан ортқ ҳужжатлар сақланади.

Қурилиш кўзда тутилган архивнинг ялли биноси замонавий архитектура ечимлари ва талабларини тўлиқ ўзида мужассам қилади. Иншоот 1-тоифадаги алоҳида муҳим объектларнинг талаб ва мезонлари асосида барпо этилади. Энг аввало, архив сақловхоналари сизимини 3 миллион ҳужжатга мос ҳолда ошириш, репозиторий учун жой ташкил этиш, ўқув залини кенгайтириш, тадқиқотчиларга хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражада таъминлаш учун замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга шароит яратилади.

Қолаверса, ушбу лойиҳаларда туризмни ривожлантириш мақсадида хорижий фуқароларни жалб қилган ҳолда, архив кўргазмаларини ташкил этиш имкониятлари ҳам кўзда тутилган.

Тақдим этилган лойиҳада улкан ўқув зали мажмуаси, анжуманлар ва кўргазмалар заллари, илмий маълумотлар кутубхонаси ҳамда музей, кинозал, буфет ва музокаралар учун хоналар инобатга олинган.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида бунёд этиладиган муҳташам кутубхона, эски шаҳар худудини тарихий қўринишидаги туристик савдо зонасига айлантириш лойиҳалари билан ҳам танишди. Президентимиз мазкур лойиҳаларни янада такомиллаштириш, аҳоли учун кенг қулайликлар яратиш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексларининг намунавий лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарориде Маҳалла маркази мажмуаларини қуриш қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, лойиҳаларда инновацион технологиялардан, арзон, энергия тежамкор материаллардан фойдаланиш назарда тутилган. Уларни давлат-хусусий шериклигининг шартлари асосида пухта, сифатли ва намунавий лойиҳалар асосида қуриш белгиланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудларда барпо этиладиган ушбу комплексларнинг намунавий лойиҳалари билан яқиндан танишиб, ўз тавсияларини берди.

Шунингдек, ички ишлар органларининг ташкилий тизимини ислоҳ қилишга, жумладан, мамлакат миқёсида ва туманлар кесимида кўч ва воситаларни бошқаришнинг ялли механизмларига бағишланган тақдимот ўтказилди.

Ички ишлар органлари бошқарув тизимидаги қатор раҳбарлик лавозимларини оптималлаштириш бўйича таклифлар билдирилди. Бу ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида кўндalik фаолиятини самарали ташкил этиш учун қулай шароитлар яратилди.

Тошкент шаҳар ички ишлар органлари ишининг натижалари муҳокама қилиниб, жорий йилда пойтахтда жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада оширишнинг асосий концептуал йўналишлари тўғрисида ахборот берилди.

Ушбу ялли тартиб ички ишлар органлари хизмат ва бўлиmlарининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, мавжуд бюрократик ҳолатларни қисқартириш, жойларда шахсий таркибни бошқариш бўйича сифат жиҳатидан ялли тизимни босқичма-босқич яратиш мақсадида жорий этилмоқда.

Лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 18 февралда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги 924-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162-II-сонли Қонун тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 18-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 10-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 486-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 261-модда, № 9, 589, 591-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 27-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошичи чиқариб ташлансин; олтинчи — ўн тўртинчи хатбошилари тегизишча олтинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 38-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошидаги «судьялар ўртасида ишларни тизимлидан, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимлайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) қуйидаги мазмундаги 69-модда билан тўлдирилсин:

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 25 февралда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607-I-сонли Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 8, 469-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) 68-модданинг матни қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, қўриб чиқиши ҳамда боланинг энг усту манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак»;

(Давоми 2-бетда.)

## Россиялик эксперт: «Ўзбекистон Марказий Осиёдаги вазиятни белгилаб берувчи давлатдир»

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон олиб бораётган фаол ташқи сиёсат ва тизимли дипломатия хориқлик экспертлар томонидан юксак баҳоланмоқда. Хусусан, Россия халқаро ишлар бўйича кенгаши расмий веб-сайтида эълон қилинган «Ўзбекистон изоляциядан минтақавий етакчилик сари» мақолада ушбу мавзу кенг ёритилган.



**Дунё нигоҳи**

Мақола муаллифи, Россия Филар академияси Шарқшунослик институти хузуридаги Марказий Осиё ва Кавказни ўралиш маркази таҳлилий гуруҳи раҳбари Станислав Притчининг ёзишича, Евроосиё марказида асосий геостратегик мавқега эга давлатдир. 2016 йили Шавкат Мирзиёев мамлакат Президенти лавозимига сайланганидан сўнг, республика ёшиқ ва ҳатто яқсаланган ташқи сиёсат моделидан проактив дипломатияга ўтиш ҳамда бу қисқа мuddатда ўзининг ижобий натижаларини берди. Бир томондан, минтақадаги ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик муҳити кескин ўзгарган бўлса, бошқа жиҳатдан Ўзбекистон хориқий ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш ҳисобида инвестициялар оқимини сезиларли даражада оширди ва ташқи савдонини жадаллаштирди.

## Пахта ва галла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамоқда. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, дарр ўзлари кутгандек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

## ПАХТА СОТИШДАГИ ЭРКИНЛИК фермер ва деҳқонларимиз манфаатлари тўлиқ таъминланишига хизмат қилади

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 6 март куни имзоланган «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор аграр соҳада узоқ йиллар давомида сақланиб келаяётган стереотипларни тубдан ўзгартирадиган, халқона қилиб айтганда, бободоқонларимизнинг бирини икки қиладиган, қосасини оқартирадиган тарихий ҳужжат бўлди. Бинобарин, бу орқали сўнгги юз йилликда деҳқонларнинг оёғига тушур бўлиб келган пахта бўйича давлат буюртмаси бекор қилиниди, соҳага бутунлай

янгича ёндашувлар киритилиб, амалий ҳаракатларга йўл очилди. Бу ҳужжат, биринчи навбатда, Ўзбекистонда чинакамига бозор тартибига ўтказишнинг асосий шартларини белгилади. Иккинчидан, фермерлар фаолиятида туб бурилиш ёсайди. Яъни уларда иқтисодий манфаатдорлик ҳисси ошиб, эндиликда ер эгалари маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам, наррларни шакллантиришда ҳам бозор шароитида қилиб чиқади. Яна бир муҳим

томони, давлат буюртмасининг бекор бўлиши қишлоқ ҳўжалигининг жозибадорлигини ошириб, тармоққа катта миқдорда инвестициялар оқими кириб келишига замин яратлади. Шу билан бирга, бу тарихий ўзгаришлар давлатнинг тармоққа аралашувини камайтиради. Натижада ҳокимларнинг режа ортидан қувиш, қўшиб ёзишлар, ажратилган ресурслардан мақсадсиз фойдаланиш ёки одамларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш каби ҳолатларга ўрин қолмайди.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашида



## Очиқлик ва шаффофлик — бош мезон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қули палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган масалалар ҳамда бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.



Россиялик эксперт:

«Ўзбекистон Марказий Осиёдаги вазиятни белгилаб берувчи давлатдир»

Мамлакатда олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг дастурий асоси ва "Йўл харитаси" сифатида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси кўрсатиб ўтилади. Стратегияда иқтисодий ислохотлар аниқ белгиланган бўлиб, хусусий мулк ҳимоясини ва иқтисодий фаолият эркинлигини мустаҳкамлаш, иқтисодийни давлат томонидан тартибга солишни камайтириш, молия-банк тизимини модернизация қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуғига юқори баҳо берилди.

Стратегиянинг ташқи сиёсий жиҳатлари ҳақида фикр юритар экан, С. Притчин:

— Ўзбекистоннинг халқро нфузани мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига ҳолис ахборот етказиш;

— республика ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базисини ҳамда халқро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

— давлат чегарасининг делимитация ва демаркация масалаларини ҳал қилиш сингари йўналишларда муҳим ютуқларга эришилганини эътироф этиди.

Айниқса, хориждаги фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими самардорлигини ошириш, ватандошларга нисбатан янгича сиёсатни шакллантириш борасида чора-тадбирлар алоҳида эътиборга молик, дея таъкидланади.

Мутахассиснинг фикрича, республика ташқи сиёсатидаги ислохотларнинг ички ва ташқи драйвери мавжуддир. Ҳокимият алмашинуви ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг янги стратегияси ишлаб чиқиши ички драйвер сифатида хизмат қилди. Ташқи глобал

драйвер эса халқро иқтисодиётга интеграциялашув ва хорижий сармоялар оқимини орттириш орқали иқтисодий фойда кўришдир. Бошланган ислохотлар натижаси ўлароқ, 2019 йил якунларига кўра, Ўзбекистон нуфузли "Economist" журнали томонидан "Йил мамлақати" сифатида эътироф этилди.

"Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига сайланганидан сўнг қўшни давлатларга бир неча муҳим ташрифларни амалга оширдик, улар орқали минтақа давлатлари билан алоқалар янгитдан йўлга қўйилди. Сўнгра эса минтақадан ташқаридаги давлатлар — Россия, Хитой, АҚШ ва бошқалар билан ҳамкорликни ривожлантиришга киришилди... Натижада Ўзбекистоннинг ташқи савдоси кескин ўсиб, 2019 йил якунлари бўйича 42 миллиард доллардан ошди. Ташқи савдо шериклари сонини 178 тага етди", деб ёзади таҳлилки.

С. Притчин Марказий Осиёдаги давлатларро мулоқотнинг тикланиши расмий Тошкент янги сиёсатининг муҳим амалий маҳсули сифатида қайд этиди. Айнан Ўзбек дипломатиясининг фаол саяё-ҳаракатлари орқали минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилди.

Афғонистон йўналишида эса, экспертнинг фикрича, ҳақиқий бурилиш юз бериб, ушбу давлат билан иқтисодий алоқалар ва савдосотик ҳажми ортгани баробарида, Ўзбекистоннинг афғон заминини барқарорлаштириш жараёнидаги ўрни кескин ошди. Тошкентда 2018 йили бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқро конференция бу борадаги халқро чора-тадбирларни мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тўтди.

Хулоса ўрнида, Станислав Притчин замонавий Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий хусусиятлари сифатида кўп векторлик, проактивлик, прагматизм, иштиросатчиликни кўрсатиб ўтади.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») таъйрлади.

Илм-фан, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда зиёлилар локомотив бўлиши зарур

Йил дастури миллий юксалиш сари илдам ҳаракат қилаётган Ўзбекистон учун муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Ҳар томонлама халқчил, жамият манфаатларига хизмат қилувчи мазкур дастурнинг эътиборли жиҳатларидан бири, аввалгилари билан узвий боғлиқлиги ва яхлит тизим мавжудлигидадир.

Муносабат

Демократиянинг муҳим жиҳатларидан бири, жамиятга кўпроқ эркинлик берилгани сари, унинг аъзолари мажбуриятлари ҳам ошиб бориши билан боғлиқ. Бугун, том маънода, "Жамият — ислохотлар ташаббускори" сифатида ҳаракатлантирувчи кўнга айланиши лозим. Содир бўлаётган воқеликка онгли равишда ёндашиш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз муносабатда бўлиш, илм-фани, рақамли иқтисодиётни тўла шакллантириб, ривожлантиришда зиёлилар локомотив бўлиши зарур. Даврнинг муҳим талаби ҳам шу аслида.

Давлат дастуридан истиқболли лойиҳалар кенг ўрин олган. 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилди. Шундан келиб чиқиб, дастурда олий таълим тизимида олиб бориладиган иқтисодий ислохотларда эътиборли бўлган жиҳатлар кўп. Шулардан бири ёшларни маълум соҳа бўйича, яъни ўқув дастурларини кўриб чиққан ҳолда, мутахассислиги доирасида аниқ ўқув режаларини ишлаб чиқиш, ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражасини 2020 йилда 25 фоизга ошириш кўзда тутилганидир. Яна

бир эътирофли томони, бу йилдан давлат гранти асосида қабул квоталари оширилади. Ушбу ҳаракатни давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатда камбағалликни бартараф этиш чора-тадбирларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Бундан ташқари, молиялаштириш, бошқарув соҳалари эркинлаштирилиши, табиий ва аниқ фанлар ўқитилишини кучайтириш, иқтисослаштирилган мактаблар ташкил этиш, ўқув дастурларидан кераксиз фанларни олиб ташлаш борасидаги стратегик ҳаракатлар дастурнинг беҳисс аҳамиятини ифода қилади. Шунингдек, хотин-қизларнинг таҳсил олишлари учун қўшимча давлат грантлари ҳамда "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан 700 дан ортққ ёшларимизнинг чет элда малажа оширишига қаратилган саяё-ҳаракатлар келгусида юртимиз олий таълим муассасалари ҳам жаҳон таълими билан рақобатлаша олишига туртки бўлади.

Олий таълим соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида етарлича шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилаётган. Аммо таълим соҳасида фаолият кўрсатган айрим ходимлар очиги, бугунги ислохотларга "лаббай" деб, жавоб бера олмаётганлар. Ҳамон тизимда коррупцион ҳолатлар кузатилмоқда. Қачонки, бундай иллатлардан воз кечмас эканмиз, ислохот ўз самарасини бермайди, янгиликлар ўзини кўрсатмайди, ёш авлод таълим-тарбияси ҳам орқага қараб кетаверади.

Умуман айтганда, мазкур қабул қилинган ҳужжат жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Демакки, олий таълимда илм-маърифатнинг янги босқичга чиқиш жараёни бошланди.

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Термиз давлат университети ректори.

«UZAUTO MOTORS»ГА САВОЛЛАР КЎП, АММО ЖАВОБ ЙЎҚ...

Мамлакатдаги енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи ягона компания ҳисобланган "UzAuto Motors" бир қатор маҳсулотлари нархини тўсатдан оширди. Бу эса халқимизнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Депутат фикри

Сир эмас, қаерда мавҳумлик, ёпиқлик бўлса, ўша ерда саволлар, норозиликлар кўпаяверади. Шуни билан туриб, қолаверса, барча соҳада очиклик, ошқоралик сиёсати олиб борилаётган бир пайтда мамлакатимиз аҳолисини енгил автомобиль билан таъминловчи корхона, ҳеч қандай тушунтиришларсиз, оғоҳлантиришсиз маҳсулотлари нархномасини янгилаб қўйгани одамларимиз дилини хира қилди.

Бу автомобиль бозоридаги нархларнинг ҳам кескин ошиб кетишига сабаб бўлиши ҳаммага аён. Ўз-ўзидан аҳолида саволлар келиб чиқяпти, аммо ҳозиргача бирорта масъл жавоб беришга шовилмаяпти. Биз

кимга, нимага гапиряпмиз ўзи? Шундай бўлса ҳам, "UzAuto Motors" мутасаддилари айрим масалалар бўйича ўз муносабатини билдиришидан умид қилади. Ҳар қалай, депутатлар улар ишлаб чиқараётган машинанинг энг асосий харидори бўлган шу халқнинг вақиллари ҳисобланади.

Биринчидан, нега "UzAuto Motors" сайтида ҳам, бирор-бир бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам машиналари баҳоси ошганини расмий хабар ва тушунтириш тарзида маълум қилмаяпти? Сайтнинг ички қисмидаги нархномани ими-жимидан янгилаб қўйиш эълон қилишга кирмайди.

Иккинчидан, хўп, нархлар ошишга ошди. Бироқ нима сабадан, қайси омилар туфайли ошганини истемоличи билишга ҳаққи борми ёки йўқ?

Учинчидан, нега айнан халқимиз орасида энг талабгир саналган "Damas", "Spark", "Nexia", "Cobalt" ва "Lacetti" каби автомобиллар нархи оширилмоқда? Ойлик маошга қараб қолмаган, нисбатан ўзига тўқлар харид қиладиган "Malibu 2", "Tracker", "Trailblazer", "Equinox", "Traverse" ва "Tahoe" баҳоси эса ўзгаришишсиз қолди. Ёки бу "Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади" нақлининг амалдаги ифодасими?

Тўртинчидан, оширилган нархлар экспортга чиқарилаётган машиналарга тааллуқлими? Ўзи нима учун "UzAuto Motors" ҳанузгача экспортга ички баробар арзон баҳода сотилаётган? Агар бунини

валюта оқимини кўпайтириш билан, деб изохламоқчи бўлсангиз, бошқа янгироқ баҳона топинг, ҳозир банкларимизда истаганча валюта харид қилишингиз мумкин.

Бешинчидан, мамлакатимиз ички бозорда бошқа давлатлар автомобиллари сотуви йилдан-йилга ошиб бораётган бир шароитда, маҳаллий ишлаб чиқарувчимизнинг нархларини ошириш тўғрисидаги қарори қайси бозор қонуниятларига тўғри келади?

Бу очикдан-очик бозорни қолганларга бўшатиб қўйишга ҳаракати ўршаб кўринмаётганими? Ёки сунъий равишда касодга (банкрот) учратиш назарда тутилганими, агар шундай бўлса, минглаб ишчилар, қора кўзларимиз тақдири нима бўлади?

Қисқаси, саволлар кўп, аммо ҳозирча жавоблар йўқ. Шу ўринда кўпчиликни бир мулоҳаза кизиктиряпти. Юқорида айтилган нархлари кўтарилган автомобиллар энг хариддорсини

ҳисобланади. Уларнинг сотиб олувчилари ҳам кўп. Талабнинг юқорилигини инобатга олган ҳолда, нархларни бир оз арзонлаштириб, яна ҳам кўпроқ машина савдосини йўлга қўйиш орқали фойдани орттириш ҳам мумкин-ку. Ахир бу ҳам оддий бозор қонуниятига-ку.

Бундан ташқари, "UzAuto Motors" керагидан кўра ёпиқроқ бўлгани кўпича унга тегишли ҳар бир хабарни халқимиз норозилик қайфияти билан кутиб олади. Нархлар нимага асосланиб оширилди, машиналар таннархи қайси мезонлар асосида шакллантирилди каби масалалар очик, ошқорча бўлганда эди, миллий автосаноатимизга бу қадар кўп эътирозлар билдирилмас эди.

Умид қиламизки, "UzAuto Motors" мутасаддилари юқоридаги саволларга батафсил жавоб беришда ҳамда агар мақсадлари фойда кўриш бўлса, минглаб кейинги фаолиятларини бозорнинг табиий қонуниятлари асосида йўлга қўйиш ҳаракатини бошлашди.

Мақсуд ҚУРБОНОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Тошкент давлат шарқшунослик институти хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тиллари, адабиёти, тарихи, маданияти, халқро муносабатлари, шунингдек, хорижий Шарқ минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнлари ривожланишини ўргатувчи Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланади. Бугунги кунда институтда бакалавриятнинг 8 та йўналиши ҳамда магистратуранинг 11 та мутахассислиги бўйича таълим олиб борилади. Қуйида 2019/2020 ўқув йилида институтни мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-шартнома асосида битираётган талабалар ҳақидаги маълумотлар вилоятлар кесимида берилган. ТДШИ раҳбарияти республикамиздаги давлат муассасалари, корхона ҳамда ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан мавжуд вакант иш ўринлари ҳақида маълумот беришларини сўрайди.

2019/2020 ўқув йилида Тошкент давлат шарқшунослик институти битирувчилари тўғрисида маълумот

Table with columns for №, Таълим йўналишлари (мутахассисликлари), Битирувчилар сонини, Коркалол-Республикаси, Анджон вилояти, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сурхондарё вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Хоразм вилояти, Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри, Бошқа давлатлар. Rows include Бакалаврият (Филология ва тилларни ўқитиш) and Магистратура (Адабиётшунослик).

